

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР! ҒУЗА СУВГА ҚОНСИН. СУҒОРИШ ИШЛАРИНИ БРИГАДА УСУЛИДА ТАШКИЛ ЭТАЙЛИК

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

21-ЙИЛ
ЧИҚИШИ
№ 109 (5202).
5
И Ю Н Ъ
ЧОРШАНБА
1974 ЙИЛ.
Баҳоси 2 тийин.

МАРРА-40 ЦЕНТНЕР

Оқдўғон районидagi Хамид Одижон номидаги колхоз пахтакорлари шу кунларда уюшқонлик ва ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Колхоз миришкорлари бу йил ҳар гектар майдондан 40 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш учун ҳозирдан бошлаб ғуза парваришини қиёзти ёбюрдлар.

Шу кунларда хўжалиқнинг бепоси даладарига ғузларга сифатли ишлов берилмоқда. Хозиргача ишлов ноллардан икки бор култивациядан чиқарилади, бир марта озуқадантирилади. Миришкор суғитлар эса эгитларга қондириб сув тарамоқдалар.

Механизаторлар билан суғитларнинг ҳамкорлигида иш олиб бориши барча майдонларда ишловларнинг бир текис аниқлигида имконият яратмоқда. Суғитча даладарининг тузроғи селгиши билан тракторлар ғуза қатор орадарига пешма, пеш ишлов бермоқда.

Хўжалик аъзолари ақиллаштириб келатган СССР Олий Советига сайловлар кунини ғуза қатор орадарига учинчи комплекс ишлов бериши тугаллаш билан ишомлашга аҳд қилинган. Бу эса барча майдонларда юқори ҳосил тўлаш ва республика юбилейи шарафига олинган социалистик мажбуриятини шараф билан бажаришга имконият яратди.

Х. НОСИРОВ.



Шу кунларда пахта майдонлари аниқ манзара касб этмоқда. Азамат механизаторлар ва суғитлар ғузларнинг кулф уриб ўсишини таъминламоқдалар. СУРАТДА: Янгйўл районидagi «Интернационал» колхозининг 7-бригадаси да ғуза қатор орадарига ишлов бериш пайти. А. Абалия фотоси.

Л. И. БРЕЖНЕВ Д. КЕНДАЛЛИН ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўртоқ Л. И. Брежнев 3 июнь кунини Кремлда АҚШ савдо-санаят доираларининг кўзга кўринган вакили, Америка-Совет савдо-иқтисодий кенгашининг ҳамраиси Дональд Кендаллин қабул қилди. Икки ўртада дўстона ва конструктив руҳда бўлиб ўтган суҳбатда СССР билан АҚШ ўртасидаги ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларини янада ривожлантириш масалалари устида гап бўлди.

Суҳбатда СССР ташқи савдо министрининг ўринбосари В. С. Алхимов ва КПСС Марказий Комитетини Бош секретариатининг ёрдамчиси А. М. Александров қатнашдилар.

А. Н. КОСИГИН ХУЗУРИДА СУҲБАТ

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин 3 июнда Совет-Италия дўстлиги ҳафтаси ўтказилиши муносабати билан Совет Иттифоқда меҳмон бўлиб турган Италиядаги бир қанча автоном областлар ҳукуматлари раислари делегациясини қабул қилди. Делегация составида Домбардия ҳукуматининг раиси Пьеро Бассетти, Венето ҳукуматининг раиси Анжело Томеллер, Лигурия ҳукуматининг раиси Жанни Данино, Эмилия-Романья ҳукуматининг раиси Гундо Фанти, Тоскана ҳукуматининг раиси Лео Лагорио, Лацио ҳукуматининг раиси Ринальдо Сантини, Базиликата ҳукуматининг раиси Виченцо Веррастро бор эди.

Икки ўртада бўлиб ўтган суҳбатда суҳбатда икки томон алоқаларини, ўзаро ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, Европадаги кескинликни янада юмшатиш ва вазиятни нормаллаштириш манфаатлари йўлида мустаҳкамлашда маҳаллий ҳокимият ва ўз-ўзини бошқариш органларининг роли қайд қилиб ўтилди.

Суҳбатда «Италия-СССР» жамиятининг бош секретари, Италия-Совет парламент группасининг раиси, сенатор Жозеппе Адамони, Италиянинг СССРдаги элчиси Пьеро Вилли ҳамда чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа қилувчи совет жамиятлари союзи президиуми раисининг ўринбосари Е. В. Иванов ҳам иштирок этдилар.

(ТАСС).

АНГРЕН ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Ангрен шаҳар партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда ташкилий масала кўриб чиқилди.

Янгйўл шаҳар икромия комитетини раиси лавозинида ишлаб келган А. Ф. Саидов Ангрен шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси қилиб сайланди.

ДАСТАДАГИ ДУРДОНАЛАР

ди. У парварини қилаётган 0,75 кўти пилла кўрти дастлабки кунларданок бир хилда ўса бошлади. Бунинг учун у албатта кўп меҳнат қилди. Суридан барча кўртларини барг билан бир меъёрга таъминлаш, уларни ешига қараб боқиш, аниқ бўлиб қолганига йўл қўймаслик, янги хона ва сурилар тайёрлаш ишлари ўз вақтида бажарилади.

Валентина парваринлаган сурилардаги пилла кўртлари май ойи охирида дастларга кириб, пилла ўрай бошлади. Орадан икки кун ўтмасданок дастларда маржондек тизилган оппоқ дурдоналар вужудга келди. У эрта-кичин пиллани терини киришди, ҳосилнинг чўғи мажбуриятининг оширилиб бажарилишидан далолат бериб турди.

Охангарон районидagi от заводи Валентина Анисимова сингари моҳир пиллакорлар аниқгина бор. Улар бу йилги пилла кўрти боқишини муваффақиятли ўтказдилар. Кўрт боқишининг дастлабки кунларида бу хўжалиқнинг баъзи бригадаларида қисман бўшаювчиликка йўл қўйилган бўлсада,

Б. ШОНАЗАРОВ.

САЙЛОВЧИЛАРНИНГ А. Н. ШЕЛЕПИН БИЛАН УЧРАШУВИ

КИРИШИ (Ленинград области). 3 июнь. (ТАСС). Бугун Кириши шаҳридаги Октябрь 50 йилгики номи маданият саройида Ленинград қишлоқ сайлов округининг сайловчилари Россия Федерациясида СССР Олий Совети Миллатлар Советининг депутатлигига номзод, КПСС Марказий Комитети Сибсий бюросининг аъзоси, ВЛКСМ раиси А. Н. Шелепин билан учрашдилар.

Ингиллиши меҳнаткашлар депутатлари Ленинград область Совети икромия комитетининг раиси А. Н. Шибалов оқди.

Учрашув қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сибсий бюросини фот баанд рух билан фахрий президиумга сайладилар.

Депутатликка номзоднинг ишончли вакили ВЛКСМ 50 йилгики номи нефтин қайта ишлаш заводининг установка бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. И. Потанин А. Н. Шелепиннинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида сўзлаб берди ва барча сайловчиларни сайлов кунини кўмунистлар билан партиясизлар бузилмас блокнинг номзодлари учун ақиллик билан овоз беришга даъват этди.

Ингиллиш қатнашчилари партия билан халқнинг мустақим бирлиги тўғрисида зўр ифтихор билан гапирдилар. Улар Ленинград шаҳри ва областининг сайловчилари сайлов кунини Коммунист партия, унинг ленинчи Марказий

Комитети теварагига маҳкам жипслашганликларини, партия ишига, улуг Ленин ишига сарф катарини, коммунист кўрилушининг улугвор планларини амалга ошириш учун бундан буён ҳам фидокорона меҳнат қилишга тайёр эканликларини яна бир марта намойиш қиладилар, деб ишонч билдирдилар.

Ингиллиш қатнашчилари санимий кўтиб олган А. Н. Шелепин кўтиб олган А. Н. Шелепин Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатган сайловчиларга чин кўнгилдан ташаккур изҳор қилди ва партиянинг халқ манфаатларидан бошқа манфаатлари йўқ, меҳнаткашларнинг бахт-саодатидан бошқа мақсадлари йўқ, деб таъкидлади.

(ТАСС).

ҲАР ҚУТИДАН 112 КИЛОГРАММДАН

Бекобод районидagi давлатта пилла тошириш қизғин бормоқда. Илгор пиллачилар ўз анималарига олган юбилей йили социалистик мажбуриятларини бажаришга мушарраф бўлишмоқда.

Райондаги 2-«Давларин» совхозининг кўпгина пиллачилари эффер маррасини эаёт эттиди. Масалан, совхознинг 4-бўлимидаги илгор пиллачи Хайрихон Отабоева совхоздаги яна эмас, районда биринчи бўлиб тайёрлов пунктига пилла келтирди. Шунинг кўноти билан айтиш керакики у ўзи парварин қилган бир кўти ипак кўртдан пландаги 62 килограмм ўрнига 112 килограмм юқори сортли пилла тоширди. Совхозда яхши кўрсаткичга эришадган пиллачилар сафи кўп сайин кенгаймоқда.

Пилла тошириш районидagi Даржиский, Навоий номидаги колхозларда 1-«Давларин» совхозини, «Коммунизм» колхозини ҳам кўп сайин авж олаётир.

Ф. ЗИЕДУЛЛАЕВ.

И Л Г О Р БРИГАДА

Юқори Чирчиқ районидagi «Ленинский путь» колхозини ерлари анча захкам. Бу ерларда шол иштириш мақсадга мувофиқдир. Хўжалик аъзолари катта майдонларга шол экиб, ҳар йили юқори ҳосил ештириб келмоқдалар. Ўтган йилги ҳар гектар ердан 72,1 центнердан хирмон кўтаришди.

Колхознинг Григорий Яковлев дондор бригадаси азаматлари эса 73,4 центнерлик маррани эгалладилар. Миришкор шолкорларнинг бу йилги аҳди гектар бошига 75 центнердан хирмон кўтаришди. Бу бригада коллективнинг республикада олтин тўйига муносиб меҳнат совғаси бўлади.

Шу кунларда Ўртоқ Кия бошлиқ бригада азаматлари мўл шол хирмонига пухта замин яратмоқдалар.

Н. ҲАКИМОВ.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПИЛЛА ТОШИРИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 4 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Пилла нисбатан процент ҳисобида — биринчи стун — бир кунлик ўсиш, иккинчи стун — мавсум бошидан бери).

Оқдўғон	7,9	107,9
Калинин	13,3	100,5
Оржоникидзе	14,5	100,2
Чиноз	6,8	97,5
Бекобод	10,0	90,8
Ўрта Чирчиқ	15,2	88,6
Янгйўл	11,2	86,9
Бўла	21,2	81,7
Пискент	19,5	77,9
Қўйи Чирчиқ	16,6	60,7
Взетовлиқ	10,5	50,9
Охангарон	17,7	45,8
Юқори Чирчиқ	15,4	33,5
Область бўйича	14,0	80,1

СОВЕТ—ЯПОНИЯ ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР

3 июнь кунини Москвада Совет Иттифоқидан Японияга жанубий Якутия кўмирини етказиб бериш тўғрисида ва Япониядан СССРга жанубий Якутия кўмири ҳавзасида ишлатилган машиналар, материаллар ва бошқа моллар етказиб бериш ҳақида беш битим имзоланди.

20 йил мўддатга тузилган бу битим СССР билан Япония ўртасида кенг кўламли ва узоқ мўддатли ҳамкорлиқни амалга оширишнинг жамланшидир. 1973 йил 10 декабрда Совет-Япония кўшама баёнотида шундай ҳамкорлик қилиш тўғрисида бир битимга келинган эди.

Битимнинг рўёбга чиқарилиши

Шарқий Сибирдаги янги корхоналарни қозилувчи кўмир билан таъминлаш учун бу ердаги янги кўмир ҳавзасидаги ишларни тезлаштириш, шунингдек экспорт ресурсларини кўпайтириш имконини беради.

Япониянинг экспорт-импорт банки 450 миллион доллар миқдорда берадиган кредит Ҳисобида совет ташқи савдо ташкилотлари автотранспорт воситаларини, юк кўтаргич машиналарини, ер казих техникасини, кўприк қуриш учун керакли машиналар ва асбоб-ускуналарини, пармаш машиналарини, технология ускуналарини, шунингдек жанубий

Якутияда кўмир қазих комплексини қуриш учун зарур бўлган моллар ва материалларни сотиб олади.

Бу комплексни, шунингдек комплексга олиб борадиган темирйўл магистралини совет ташкилотлари қуради.

Жанубий Якутиядаги янги кўмиро ҳавзасини ўзлаштириш натижасида Якутия кўмирини Японияга экспорт қилиш 1986 йилга бориб йилга 5 миллион тоннадан ошиб кетади.

Битимни имзолаш вақтида Япониянинг Совет Иттифоқидagi элчиси А. Сигемцу ҳозир бўлди.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШУВ

КПСС Марказий Комитетининг таълифига биноан Совет Иттифоқидagi меҳмон бўлиб турган ҳушмурон Бангалаше Халқ Иттифоқи партиясининг бош секретари Зилдур Раҳмон 4 июнда Ўзбекистон пойтахтига келди. Шу кунинг дўст маънакатдан келган меҳмон В. И. Ленин Марказий музейининг, Тошкент филиалини зиёрат қилди, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини, унинг янги уй-жой районида кўздан кечирди.

Зилдур Раҳмон Ўзбекистонда бир неча кун бўлади.

(ЎзТАГ).



Маълумки, Тошкент тўқимачилик комбинатининг дондор Қаҳрамони Лидия Павловна Казанцева ва унинг сменадоши Валерия Вера Ивановна Солдатова беш йилликда икки беш йиллик таълимий мажбуриятини олинган эди. Кўп станокда ишлаш ҳаракатини янада мустаҳкамлашда маҳаллий ҳокимият ва ўз-ўзини бошқариш органларининг роли қайд қилиб ўтилди.

Суҳбатда: Социалистик Меҳнат Қаҳрамони дондор тўқувчи Г. Григорьев фотоси. ЎзТАГ.

АЪЛОЧИ
МАТБААЧИ

Тошкентдаги 1-босмахона ҳовлисида кирганингизда илгор кишиларнинг портретлари кўйилган Хурмат тахтасига нигоҳингиз тутади. Улар орасида Турсунов Абдуразақов ҳам бор. Бу аёнинг босмахонада хурматли кишилар қаторида ўрни олганига анча йил бўлди.

Матбаа техникумини тугатиб, 1-босмахонага ишга келганда ёшгина қизча эди. У ўз таълаған касбига меҳр қўлди ва уни эъозлади. Тўғри, янги иш бошлаган даврлари бирмунча оғир бўлди. Чунки тажриба, билим ҳали унга етарли эмасди. У ўқиб ўрганди, қийинчиликлардан қўчмади. Сидрида, ҳалол меҳнатларининг самарасидан баҳраманд бўлди.

Шу кунларда Турсунов она коммунистлик меҳнат бригадасида фидокорона меҳнат қилди. Бригада бошлиғи Лидя Молдочова ва ҳамкасб дўстоналари Турсунов Усмоҳунжасов, Хури Қосимовлар билан ўзаро социалистик мусобақа асосида ишлашди.

Турсунов она кунлик иш нормаларини 112—115 процент қилиб бажарди. Янгида матбаачи аёл социалистик мусобақа галлибни натижаси билан тақдирланди. Шунингдек, у «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвонини олишга ҳам муяссар бўлган.

Чорак асрдан буён матбаачилик касбига фидокорона меҳнат қилиб келатган Турсунов она Абдуразақовна республикамияз олтин тўйини муносиб тўғилар билан кутиб олиш иш-тиёғида янги-янги китоблар, топ эшига муносиб ҳисса қўш, япти.

М. ХОЛМУРДОВ,
ишчи-деҳқон мухбирлари
университетининг тилловчиси.

Ёз ёлиғини қимокда. Қуёш тобора кучли қиздиримоқда. Кўча-куйларда, хибон ҳамда боғларда ўрнатилган газ сув автоматлари, морожено ва муздек ичимликлар билан савдо қилувчи будка, кафеолар олди кишилар билан тавақум бўлмоқда.

«Ташлимводторг»нинг Ки-ров район савдо базасига қарашли шохбачаларда ҳам сотувчиларнинг кўли қўлига тегмайди. Пешма-пеш келтириб турилган минерал сувлар, пиво, квас ҳамда

ҲАМШАҲАРЛАР, СИЗЛАР УЧУН

мороженолар чанқовни босиб, кишиларга ором бағишламолар. Бу ҳақда база директори ўртоқ Ю. Юнусов кўйидагиларни айтди:

Кўнлар исиб ҳарорат кўтарилгани билан бир қатор тадбирлар белгиланди. Гавкум хибон, серкатион чорраҳаларда қўшимча павильонлар оқилди. Фахат районимиз территориясидаги 50 га яқин спиртез

ичимликлар ҳамда морожено билан савдо қилувчи тоқчалар ҳамшаҳарларимизга хизмат кўрсатмоқда.

Айниқса, морожено, Тошкент минерал суви, квас, пиво-ларга талаб катта. Буни эътиборга олиб ҳар кун савдо тармоқларига икки—икки ярим тонна морожено, 3—4 тонна квас ва бошқа ичимликлар чиқаришмоқда. Бинобарин, кун-

лик, ойллик планлар ҳам ошириб бажариляпти. Масалан, май ойининг ўзига планда белгиланган 230 минг сўм ўрнига 251 минг сўмлик спиртез ичимликлар сотилди. Беш ойллик план ҳам муддатидан олдин, яъни 27 майда шараф билан бажарилди. Тошхирқа қўшимча равишда шаҳарлик-

ларга 37 минг сўмлик ичимлик ва морожено етказиб берилди. Минерал сувлар билан савдо қилувчи ихтисослаштирилган кафеолар, «Снежок», «Лотос» хизмат кўрсатмоқда. Савдо шохбачаларида ишнинг яхши йўлга қўйилиши туфайли ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 31,8 процент ортиқ спиртез ичимликлар ва бошқа маҳсулотлар реализация қилинди.

Я. СОДИҚОВ.

ЧЕТ ЭЛ
ЮМОРЛАРИ

ТЕЖАМКОР ЭР

Бир киши узоқ командировкага кетётганда хотини унга тайинлади. — Агар хат ёзиш вақтинг бўлмаса, марка ёпиш қилиб қўруқ конвертнинг ўзини юборар. Мен соғ-саломатлигини ушанга қараб билиб оламан.

— Марка билан?! — ажабланди эри. — Нега энди марка ёпиштираб эканман? Мен конвертти маркасиз юбораварман. Почтальон келтирганда, сен уни олишдан бош тортасан, меннинг омон-эсонлигимни шундан билдирасан.

ТАНАФУС ВАҚТИДА

ЭР: — Жонгнам, мен буфетга чиқиб икки-уч рюмка отиб келай.

ХОТИН: — Азизим, ахир сен менга бир йилгача ҳеч ичмайман деб ваъда берган эдинг-ку?

ЭР: — Гапинг тўғри, лекин афсидаки, биринчи акт билан иккинчи акт ўртасида бир йил вақт ўтди, деган сўзларни ўқимингми?

ҲУШИ БОРИДА

Ичсини яхши кўрган меҳмон, ҳали дастурхон ёзмадасан меҳдонларга:

— Карл, хайр. Пека, хайр.

— Деди.

— Ҳа, нима бўлди, дарров кетмоқчимис?

Икк кетмоқчи эмасман, ҳушим борди, одамларни бир-бирларидан ажратиб олган вақтда хайрлашиб олайман-да!

КҮРИБ ҲАМ ТУРИБДИ

Прораб янги уйни текшираётди:

— Билл, сен меннинг сўзларимни эшитаясанми? — деб сўради.

— Эшитини у ёқда турсин.

ҳатто ун жойдан беамоқо кўриб ҳам турибман, — деб жавоб қилди кўрбин хонадан Билл.

У. Муҳамедов таржимаси.



Фрунзе районидagi 118-мактабни бу йил қўллаб йлгит-қизлар тамомлаб чиқиб, мустақил ҳаёт йўлига кирадилар. Улар шу кунларда барча имтиҳонларини муваффақиятли топиширишди. Суратда: навбатдаги имтиҳондан муваффақиятли ўтган ёшлар қувончининг чеки йўқ.

И. Глауберзон фотоси.

ЎРГИЛАЙ

Акмал ПҒЛАТ

Шон-шарафли пахтакор, олтин қўлингдан ўргилди, йишанган боғу-чамаи, сахро чўлингдан ўргилди. Сен ўзингсан, эл аро донинг таратган ҳақрамон. Турмушинг ширин-шадид, нурли йўлингдан ўргилди.

Мақтасам арзир юракдан, катта қарвоним ўзинг, Бахтлиман овоз Ватанда, дилда армоним ўзинг. Кенг жаҳонни тутди чандон пахтакорим доврўти, Шер қаби чарчагани билмас, шухрату-шонин ўзинг.

Пахтакорлик касбини ёшу-қари қилтай ҳавас. Меҳнатингдан қанча чўлар боғу-роғиди ҳар нафас. Тинмайин кўйлайди Акмал бахти-қиболнинг сенинг, Бир чигитдан уйдирини тоғ-катта ижол, катта дарс. Шон-шарафли пахтакор, олтин қўлингдан ўргилди, йишанган боғу-чамаи, сахро чўлингдан ўргилди.

ХАЛҚ БИЛАН

Бирлашиб топғуси инсон бахт-саодат халқ билан, Ётғуси ҳар орзу истакка ниҳоят халқ билан. Халқ ичда бор мақолими: «донг чиқмасас ёлғиз от, йўш урар жисмингда куч-гайрат, шижоат халқ билан. Бое бўлса халқ агар, инсон бу боғини меваси. Мухтасам қувонқ ҳаё, ҳузуру ҳаловат халқ билан. Минг ашар кўргил, чинор орта чуқур илдиз ёниб, Хар киши ҳамдан бўлиб тоғтай қамолот халқ билан, Оби қаҳмат сув билан дерлар баллиқ ҳаётини. Ҳеч қачон қўрмас киши қўлфат-надомат халқ билан. Халқингиза Ёдгор муҳом эрғаш улуг устоз билан, Кашф этар ашъорларинг кўрку малаҳат халқ билан.

Ёдгор бахши ИСҲОҚОВ.

ҲАР
ТЎҒРИДА

ҚОНХЎР ГУЛ

Ўрта денгиз бўйларига уч-райиданг анемона гули сув остида яшайди. У яққа ўсмадан тўп-тўп ҳолда, оила бўлиб ўсади. Сув камайиши билан дарин ҳол баргларини бурштириб, кўтаринг олдий қомалок тош тусига киради. Бу билан у ўзини қўшдан ва айни вақтда душманлардан саклайди.

Денгиз суви яна қўлайиб анемонани қоплагача, «тош»лар катталашиб бошларини юқори кўтаришди, барглар ёниб баҳмал гулга ўхшаган чиройли гуллар пайдо бўлади. Унинг қизил чиқилди оч-пўшти рангли барглари сувда тинмай ҳаракатланиб туради.

Анемона гули денгизнинг саз-ёз ерлариде ўсганидан уни қу-затиш осон. Унинг ҳеч тинмай қимирлаб турган барглари гўё баллиқларни ўзига йиғалайдиган бўлади. Агар бирорта баллиқ тулингиз баргига «тегиб кетса» дарҳол заҳарланиб, ҳушдан кетаяди. Заҳар баргларининг пастки томониде қичкина халтачалариде бўлади. Анемона энди гўзал ва муойимлигини йўқотиб ялмоғиз, қонхўрга айланади, яъни баллиқни аста-секин юта бошлайди. Мана шу вақтда унинг барча барглари тикка кўтарилиб ҳужум ҳолатиде бўлади. Қўрбонини ютиб бўлгач анемона яна илгариги нафис гўзал ҳолига қайтади.

УЛКАН
ИЛОН

Жанубий Американинг тропик ўрмонларида Гвианада, Бразилияда, Перуда ва Тринидад оролларида дунёда энг улкан илон учрайди. Унинг узунлиги ўрта ҳисобда 7—8 метр келади. Шарий Колумбияда узунлиги 11 метру 43 сантиметригилар илон тутилган бўлиб, уни савлаб қилинганг илоқни бўлмаган. Танаси йўғон, думи эса тўмғон ва қисқа. У сенин оқиданг сувларда, боққоқликларда яшайди. Бу улкан илон Амазонка ва Оринока дарёларининг ҳавзаларида кўпроқ учрайди. Сув остида ўзоқ ётади ва ўлкасини сувда пойлаб, овлайди. У ўлкасини бўғиб ўлдиреди ва бутунлигича ютади. Бу илон чўчка, бузоқ ва ана шундай катталариде ўлжаларни юта олади. Уроғичи си 28—42 та тухум қўлади, тухумдан шу заҳотенг болалар чиқаяди. Болаларининг узунлиги 50—80 сантиметр бўлади. Болалари тезде сууга тушиб кетаяди. Эркинликда 5—6 йил, тутқинликда 28 йил яшагани маълум, Бу илон бошқа илонларга ҳам ҳужум қилади.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

СУД ЗАЛИДАН
ҚИЛМИШЛАРИГА ЯРАША

Судланувчилар курсида икки йит-гит тутирибди. Икковни ҳам энди 19 ёшга тўлган, икковни жавобгарликка бир хил иш юзасидан тортишган. Ҳоирча улар қилмишлари учун қандайдир илтифат талаб қилишсада, аслида:

Милиция капитани А. Янин тунда вагон депосининг слесари, дружинчани В. Козерин билан бирга Тошкент товар станциясининг юк турадиган майдонини кўздан кегираётган едилар. Темир-бетон девор олдиде улар бир қороз қоробани кўриб қолди. Бу қоробанда «Рекорд-301» маркали магнитола бор эди. Худди шу вақтда магнитола торзонбон 13-сондада ўқилган бўлишини маълум қилди. Тез орада юк саройида темир йўл станциясини ишларига ҳет қандай алоқаси бўлмаган Тўрабеков фамилияли ёш йигит кўзга туширилади. Биринчи терговдаёқ у магнитолада ўқилганлигини, қандай қилиб бу ишни бажарганигини айтиб берди.

Лекин, милиция ходимлари «Бу ерда ишлаган киши магнитола-нинг нқверда туршини қандайдан билди?» деган уйга бордилар ва терговни давом эттирдилар.

Навбатчи пичқурун омборга юк орттиш-тушириш механизациялашган дистанциясининг ишчиси Т. Мингата киригалигини айтиб, ишни ойдинлаштирди. Милиция ходимлари уни ҳам ушладилар. У қуйидаги маълумотларни берди:

Биз Тўрабеков билан бирга магнитолаи ўғирлашни келишиб қўйган эдик. Мен унинг қарда сақ-

лашини билардим. Омборга кириб, эшигининг итки болтигини бураб, магнитолаи олиб чиқдим. Қўлда мени Тўрабеков кўтиб турарди, Биз магнитолаи навобата-навобат кўтариб келардик. Ленин, одамларнинг товушини эшитиб, уни девор ёнига қўйдик, ўзимиз ҳар томонга тарқалишиб кетдик.

Пул милиция бўлими тергов ходимлари ўғирларининг қилмиши билан қилибди кўрдилар. Тўрабеков ўтган йилга надар киши техникумининг қондуги бўлимида ўқиган, кейин ўз илтимосига кўра, ўзининг сирти-қўли бўлимига ўтказган. Шундан буён ҳет қандай иштининг фойдали меҳнат билан шуғулланмади.

Милиция йўл бўлими тергов бўлимининг бошлиғи милиция майори У. Тўрабековни сирти қўлимига ўтказгандан буён биринчи марта ҳам унинг таъдир билан қизқмаганини тўғрисида танҳаб хати юқориб турган. Худди шундай хат меҳаника ашчиллашган дистанция бошлиғи Гофуровга ҳам юборилди. Унда ҳолатида аниқсача, ёшлар орасида тарбияли ишлар талабиди даражада эмаслиги алоҳида таъкидланган эди.

Икки ёш қилмишига яраша янао олди. Ҳамза район халқ суди Тўрабеков ва Мингаталининг ҳар бири-нин уч йилдан озодлиқдан маҳрум қилди. Тошкент шаҳар халқ судининг жиноий ишлар бўйича коллегииас ҳукмини ўз кучида қолдирди.

Н. СЕРГЕЕВ.

Спортимиз
ТАЪЗИМ

Уни эҳтимол ўзингиз ҳам тажриксиз. Спортнинг ривожланишига салмоқли улуш қўшганлардан. Асли тошкентлик. Бешёғочдаги 90-мактабда жисмоний тарбиядан ҳақ беради, бир кам етмишга кирса ҳам спортни тарк этмайди. Чамаси спортни севгани учун ҳам қаримайди. Домо бардам, тоқик.

Ёқуб ака хотирга берилди. Дастлабки устозларни, сафдошларни ҳақида уйлади. Ўзи ҳақида жуда кам гапирарди. Ассосан ўша оғир йиллар, ўзбек спортни «пioneer»ларини учун машаққатли бўлган йиллар ҳақида ҳикоя қилди.

— 1920 йиллар, Бешёғочдаги ҳозирги расмлар билан юрти ҳўрмига 3-интернат бўлгучи эди. Мен ҳам шу ерда ўқирдим. Шу ерда спортга муҳаббат қўйдим. Бунда дастлабки устозим Андрей Степанович Дурановскийдан чек-син миннатдорам, — Ёқуб ака бир тўхтаб олди ва яна давом этди. — Айтомқич, у киши ҳозир ҳаёт, 86 ёшда. Аммо лекин сира

тиниб-тиничмайди, 60 ёшда пенсияга чиққан эди. Шундан бери яқин мактабларга бориб болалар билан машғуллар ўтказиб туради. Кейинги устозим Эшонзода Мухиддинов.

20 йиллар. Ёш Ёқуб Ўқидиғи Карл Маркс номи техникумини тугатиб, Ёски шаҳардаги 1-босмахонада ишларди. Иш, спорт... Ҳаммасига вақт топши керак. У комсомол активларидан ҳам ҳисобланарди. Ўша йиллари «Қизил матбаачилар» союзи ташаббуси билан босмахонада бир неча тўғараклар ташкил этилганди. Ёқуб Валишоев ҳам қараб турмай, спорт тўғрисида ташкил этишда жонбозлик кўрсатди, кейинчалик унга ўзи бошчилиқ қилди.

— Спорт тўғрисида ташкил қилдик. Шуғулланишни истовчилар кўп эди, — хотирлайди Ё. Валишоев. — Босмахона томини кўр-боло база қилиб олдик. Бу йилда устозим Дурановский катта кўмак берди. Андрей Степанович ажой

иб муаллим, серғайрат спортчи бўлибгина қолмай, қўли гул уста ҳам эди. Бизга керакли жиҳозларини жасб берди. Шу залда ишлар юрчишиб кетди. Ҳозирги ш-роитлар у пайтда қандай дейсиз!

1927 йилда Ёқуб Валишоев Самаркандга бориб жисмоний тарбия муаллимилиги тайёрлайдиган тўрт ойллик курсда ўқиб келди. Шу йилиёқ Москвада бўлган «Қизил матбаачилар» союзининг 1 спартакнадасида қатнашди ва Ўзбекистон тарма командасининг иккинчи ўрни олишига катта ҳисса қўшди.

Ёш Ёқуб жамоатчилик ишларида ҳам фаол иштирок эта бошладилар. У 1927 йилда Ёски шаҳар физкультура комитетининг масъул котиби сифатида бир неча спорт союзи, кейинчалик «Спартак», «Пioneer», «Масорфчилар», «Динамо», жамиятларини ташкил қилишда актив қатнашди.

1928 йилда Бутуниттфок» спартакнадаси бўлди. Ёқуб Валишоев ўзбекистонликлар вақили бўлиб, яна Москвага борди...

— Бу СССР халқларининг энг бирикчи спартакнадаси эди, — деб эслади у, — ўшанда спартакнадамиз чинакам спорт анжуманига айланиб кетди. Унда чет эллик меҳмонлар ҳам қатнашдилар. Улар ишчилар синфининг вақиллари эди.

Йигирманчи йилларда ўлкамизда хотин-қизларни озодликка чиқариш, уларни парвонидан қутқариш, ёлпасига саноқдон қилиш оммавий тус олиб кетганди. Ўзбек спортчилари спартакнададаги

дастлабки чиқишларини шу мавзуга бағишладилар. Унда бир неча йилгит ва паранжи ёпиған қизлар қора ўлтишини, Улуг Октябрь келтирган бахтни, паранжи ташлашини тасвирлаб, бердилар. «Динамо» стадионини тўлдириб ўтирганлар спортчиларимизнинг тўрт марта саҳнага чиқишга мажбур қилдилар. Қарсак устига қарсак, олқиш устига олқиш...

Ёқуб ака, сиз қайси спорт турми билан шуғуллангансиз? — сўраймиз сўзбодшомимиздан.

У қулиб қўйди, кейин бармоқларини буюб санай кетди.

— Енгил атлетика, футбол, волейбол... Биз универсал спортчилар эдик. Девр шуни тақозо қилар эдик.

Ё. Валишоев қарерда бўлмасин бир зум ҳам совикли касби — ўқитувчиликни ташламади. Умрининг эллик йилини мактаб ўқувчилари билан ўтказди. Ана шу эллик йил ичиде қанчадан-қанча шогирдлар тайёрлади. Унинг шогирдлари ҳозир турли мусобақаларда республика шарафини ҳимоя қилишмоқда, устоз йўлдан бориб, мактабларда физкультурдан дарс беришмоқда.

Ёқуб ака Валишоев ҳозир ҳам ўқитувчилар сафиде. Жамоатчилик ишларида ҳам актив қатнашапти. У республика спорт ветеранлари Советининг, шунингдек оқруг офицерлар уйидаги ветеранлар клубининг аъзосидир. Кека спортчи республика спорткомитетиде ўзбек спорт тарихи музейини ташкил қилишга катта ёрдам бермоқда. Ўзбекистонда маънаф кўрсатган физкультур муаллими Ё. Валишоевнинг зингани билангилар, шогирдларининг барчаси таъзим қилиб, «Ҳизматинигога барака! Бўш келманг, оқсоқол дейишмоқда.

А. АБДУЛЛАЕВ.

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР, ОЧКОЛАР

ИТАЛИЯ СОБИРЖОННИ
ОЛҚИШЛАМОҚДА

Италиянинг Бомбаша шаҳрида ўтказилган қиличбозларнинг халқаро турнири якуниланди. Турнирда Ўзбекистон физкультура институтини студентини янгирма бир ёшли халқаро классдаги спорт мастери Собиржон Рўзиев ҳам иштирок этди. Ҳамшаҳримиз тўртта учрашувнинг ҳаммасида галлиб чиқиб, турнир совриндорини бўлди.

Собиржон Рўзиев кўп йиллардан бери Ўзбекистон СССР да хизмат кўрсатган тренер Иосиф Миркин раҳбарлигида қиличбозлик спортини билан шуғулланиб келмоқда. Бутуниттфок ва халқаро учрашувларда муваффақиятли иштирок этиб, совет спорт шарафини ҳимоя қилмоқда. Бундан олдин ҳам у Францияда ўтказилган мусобақаларда СССР тарма командаси составида қатнашиб муваффақият қозонган эди.

ВАТАНДОШИМИЗ—
ЕВРОПА ЧЕМПИОНИ

Яна Италиянинг Верона шаҳридан бир хушхабар келди. Оғир атлетикачиларнинг Европа чемпионатида қатнашаётган москвалик Мухарби Қиржиков енгил вазили штангачилар орасида галлиб чиқиб, Европа чемпиони унвонига сазовор бўлди. СССР Қурулди Кучлари вакили Мухарби икки машида 300 килограммлик штангани кўтариб, бошқа рақиблардан анча ўзиб кетди. Польшалик 3. Качмарек эса

297,5 килограммлик штангани
кўтариб, чемпионатнинг кумуш медалига сазовор бўлди.ЖАҲОН
ШАХМАТЧИЛАРИНИНГ
БАҲСИ

20 июлда халқаро шахмат федерацияси ташкил этилган-лигининг эллик йиллиғи нишонланади. Юбилей олдидан Франциянинг Ницце шаҳрида Жаҳон шахматчиларининг навбатдаги команда ойринчилиғини ўтказишга қарор қилинди. Бу мусобақа 6 июнда бошланиб, 31 июнгача давом этади.

СССР тарма командаси шахматчилари бу турнирда кўп йиллардан бери муваффақиятли қатнашиб келмоқдалар. Бу тал команданинг составига грессмейстерлар А. Карпов, В. Корчной, Б. Спасский ва Т. Петросян киртилган. М. Таь ва Г. Кузьмин запасдаги ўйинчилардир. Команда капитани В. Смилов, тренерлар Е. Геллер ва С. Фурман кунга кеча команда аъзолари билан Ницце шаҳрига учиб кетдилар.

ТОШКЕНТЛИКЛАР
ОЛДИНДА

Ўзбекистон қишлоқ спортчилари бир неча ҳафта давомида спортнинг ўн уч турини бўйича ўзаро мусобақалашдилар. Тўрт босқичли курашдан сўнг Тошкент области спортчилари биринчи ўринга чиқиб олдилар. Иккинчи ўрин Самарқанд об-ласти, учинчи ўрин эса Андижон области қишлоқ спортчиларига насиб бўлди.

ФУТБОЛ МАЙДОНИДА...
ЖУРНАЛИСТЛАР

«Старт» стадионида олдатдан ташқари футбол матчи ўтказилди. Унда Тошкент шаҳри журналистларидан ташкил топган команда билан пойтахт-ишдада гастролда юрган Чехословакиянинг «Луна-парк» аттракцион ходимларидан ташкил топган команда ўзаро учрашди. Учрашув журналистлар ҳужуми билан бошланди. Фотомухбир Н. Надеждин киретган ягона тўп ўйни тақдирини ҳал қилди.

Матч охирида учрашув қатнашчиларига пойтахт газеталари редакциялари, республика футбол федерацияси, чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти, Ўзбекистон Журналистлар союзи Тошкент ташилотининг совринлари топиш-рилди.

И. АЛИМОВ.

Тошкентдаги парфюмерия-косметика фабрикасининг акция-риш ишчи-хизматчилари юбилей йилида шахсий социалистик мажбуриятлар олиб иш-лашмоқда. Илгор ишчи И. Носирова ҳам юксак маррани кўз-лаётганлардан бири. У норма-сини доним ортинг билан адо-этади ва фақат сифатли маҳсу-лот беради. Суратда: ўртоқ И. Носирова реакторни ишга ту-шириш олдидан созламоқда.

Л. Глауберзон фотоси.

ТОШКЕНТ
ҲАҚИҚАТИ

Орган Ташкентского
обкома КП Узбекистана
в областном комитете

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26. ТЕЛЕФОНЛАР:

330248 да
330258 га